Тошкент шахар Олмазор тумани Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 36-ёрдамчи мактабида ўқувчилар билан ТТА суд тиббиёт ва тиббиёт хуқуқий кафедраси мудири И.И.Бахриева ва бир гурух кафедра ходимлари "Саломатлик,кутуриш кассаллиги,чекишнинг зарари " хақида ўтказилган сухбатнинг

**БАЁННОМАСИ.**

**2018 йил 27 апрель** **Тошкент шахри.**

**ҚАТНАШДИ:**

1.ТТА суд тиббиёт ва тиббиёт хуқуқий кафедраси мудири И.И.Бахриев ва бир гурух кафедра ходимлари
2.97 нафар ўқувчи
3.27 нафар педагог ходимлар

**КУН ТАРТИБИ.**

1. **"Саломатлик,кутуриш кассаллиги,чекишнинг зарари "** хақида ўтказилган сухбатнинг мавзуси

**ЭШИТИЛДИ.**

Кун тартибидаги масала юзасидан яъни **"Саломатлик,кутуриш кассаллиги,чекишнинг зарари "** хақида кафедраси мудири И.И.Бахриева сўзга чиқди. У аввало «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукукбузарлик профилактикаси тугрисида»ги 2010 йил 29-сентбрдаги Ўзбекистон Республикаси конунининг мазмун- мохияти, конуннинг 7-8-13 моддалари хакида кискача тушунтириб ўтди. Бундан ташкари Вазирлар Махкамасининг 2000 йилдаги 360- сонли карори яъни вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва хукукбузарликнинг олдини олиш юзасидан чиккан карорларнинг мазмун- мохияти хакида хам тўхталди. Лекин юкори ташкилотлардан вояга етмаган ёшларнинг назоратсизлиги ва каровсизлигини, жиноятчилик ва хукукбузарликнинг олдини олиш тўгрисида карор ва фармонлар чикарилиб жойларда бир катор ишлар амалга оширилишига карамасдан вояга етмаган ёшлар ўртасида билиб- билмай хукукбузарлик ва жиноятчиликка йул куймокдалар. Ҳозирги кунда кўпгина вояга етмаганлар орасида наркотик моддалар , чекишнинг зарари хамда кутириш кассаллиги содир этилаётганлиги маълум бўлаяпти. Шунинг учун кутуриш касаллигини олдини олиш оила аъзоларининг саломатлиги мухимдир. Дарс пайтларида, мактаб худуди , кўчада юрган мушук,кучукларга тегмаслик кутуриш кассалигини олдини олади.Хафтанинг хар шанба куни **"Саломатлик куни"** деб эълон килиниши бежиз эмас. Соғликни сақлаш Вазирлиги 2018 йил 15 январда имзолаган "Ахолини соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш тўгрисидаги" карорига асосан биз медицина ходимлари сизларнинг саломатлигингиз учун жавобгармиз деб кафедраси мудири И.И.Бахриева сўзини якунлади.

Сухбат охирида ТТА суд тиббиёт ва тиббиёт хуқуқий кафедраси мудири И.И.Бахриев ва бир гурух кафедра ходимлари ўқувчиларни саломатлигини тиклаш учун мактабга керакли дори дармонларни такдим этди.

Юкоридаги масалалар юзасидан йиғилиш

**К А Р О Р К И Л А Д И.**

1.Ўкувчиларни саломатлигини тиклаш максадида тиббий кўрикдан ўтказиб туриш.
2.Хар шанба **"Саломатлик куни"** деб эълон килиш
**3.**Мактабда ўкувчиларнинг хукукий саводхонлигини ошириш максадида соха мутахассислари иштирокида давра сухбатлари, тадбирлар, йиғилишлар режа асосида ўтказилсин.

**Мактаб директории: М.Ю.Мусаева**
**ММИБДЎ: М.М.Гафарова.**